



**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI**

**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**JAMOAT BIRLASHMASI USTAVINING
DAVLAT RO'YHATIGA OLINGANLIGI
TO'G'RISIDA**

**ГУВОННОМА
СВИДЕТЕЛЬСТВО**

**О ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАЦИИ
УСТАВА ОБЩЕСТВЕННОГО
ОБЪЕДИНЕНИЯ**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

Nodavlat notijorat tashkilotining
davlat ro'yhatiga olinganligi haqida

G U V O H N O M A

2003 yil " 7 " avgust № 549

Tashkilotning nomi: Onkologlar Assotsiatsiyasi

Birlashmaning turi: Respublikaga oid

Tashkilotning shakli: Jamoat birlashmasi

Tashkilotning raxbar organi:(nomi, manzili): _____

Kongress

Toshkent shahri, Farobiy ko'chasi, 383 uy

Faoliyatining asosiy maqsadi: _____

Assotsiatsiya a'zolarining onkologiya sohasidagi ilmiy va amaliy faoliyatlarini to'g'ri yo'lga qo'yish, tibbiyot nazariyasi va amaliyotini rivojlantirish maqsadida Assotsiatsiya a'zolarining ilmiy potentsialini amalga oshirish uchun eng samarali sharoitlar yaratib berish va boshqalar.

O'zbekiston Respublikasi
Adliya Vaziri



A.A.Polvon-zoda

СВИДЕТЕЛЬСТВО

**О государственной регистрации негосударственной
некоммерческой организации**

№ 549 “ 7 “ августа 2003 года

Название организации: Ассоциация онкологов

Вид организации: Республиканская

Форма организации: Общественное объединение

Руководящий орган организации (наименование, адрес) _____

Конгресс

город Ташкент, улица Фароби, дом 383

Основные цели деятельности: _____


Координация научной и практической деятельности
членов Ассоциации в области онкологии, создание
условий для наиболее эффективной реализации твор-
ческого потенциала членов Ассоциации в интересах
развития теоретической и практической медицины и
другие.

**Министр юстиции
Республики Узбекистан**



[Handwritten signature]
А.А.Палван-заде

Республика Онкологлари
Семинар Кенгаши томонидан
«ТАСДИҚЛАНДИ»
1 март 2003й.



ONKOLOGLAR ASSOTSIATSIYASI

USTAVI

Тошкент шаҳри, 2003 йил.

I. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

1.1. «Онкологлар Ассоциацияси» — эндиликда ихтиёрий, илмий — маърифий жамоат бирлашмаси бўлиб, унинг таркибига онкология соҳасидаги педагогик ва амалий фаолият билан банд бўлган соғлиқни сақлаш мутахассислари кирадилар.

1.2. Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб боради.

1.3. Ассоциация ўз-ўзини бошқариш, ихтиёрийлик, барча аъзолар тенг ҳуқуқлиги, эркинлик ва қонунийлик, фан эркинлиги, илмий муаммоларни ҳар томонлама мулоҳазалар асосида ечиш, фан, маърифат ва амалиёт алоқалари принциплари асосида иш олиб боради.

1.4. Ассоциация Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунларга асосан фаолият кўрсатади.

1.5. Ассоциация қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан бошлаб юридик шахс ҳисобланиб, хусусийликда, хўжалик ишларини юриштида ёки тезкор бошқарувида алоҳида мулкка эга бўлади, ҳамда ўз вазифасига кўра ушбу мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулкий ва хусусан номулкий ҳуқуқлар орттириш ва амалга ошириши мумкин. Маъсулият сезиши, суд, хўжалик ва бетарафлик судларида шикоятчи ёки жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин. Ассоциация мустақил баланс, ўз тўлов ва бошқа банк корхоналарида очиши, ўз муҳри, ўз номидаги штамп, эмблема ва бошқа нишонларга эгадир.

1.6. Ассоциация ўз вазифаси ва унга алоқадор мулкларга маъсулиятли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.


1.7. Ассоциациянинг қисқача номи: «Онкологлар Ассоциацияси».

1.8. Ассоциация Бошқарувининг манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй.

II. АССОЦИАЦИЯ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Ассоциация мақсадлари ҳисобланади:


- Ассоциация аъзоларининг онкология соҳасидаги илмий ва амалий фаолиятларини тўғри йўлга қўйиш;
 - тиббиёт назарияси ва амалиётини ривожлантириш мақсадида Ассоциация аъзоларининг илмий потенциалини амалга ошириш учун энг самарали шароитлар яратиб бериш;
 - Ассоциация аъзоларининг қонуний қизиқишларини, профессионал, фуқаролик, ижтимоий, муаллифлик ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - бошқа тиббий ихтисослик жамоалари ва мутахассислари билан ўзаро профессионал ва илмий алоқаларни, халқаро илмий алоқаларни амалга ошириш;
- 2.2 Ассоциация қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:
- Ўзбекистон Республикасида онкологиянинг асосий ривожланиш йўллари аниқлайди, илмий изланишларни олиб боради;
 - тегишли ташкилотлар учун таклифлар ишлаб чиқиб тавсия қилади, соғлиқни — сақлашни ривожлантиришдаги самарали ва жорий режаларни ишлаб чиқишда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда ва онкология соҳасидаги илмий ишларда қатнашади;
 - онкология соҳасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишда илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;



- жаҳон фани ва техника ютуқларини ҳамда илгор тажрибасини соғлиқни сақлаш ишларида амалий қўлайди. Янги ташхис усулларини яратишда иштирок этади;
- онкология соҳасидаги тиббиёт фанининг ютуқларини тарғибот қилади ва янги илмий ахборотларни тарқатади;
- Ассоциация аъзоларининг малакасини оширади, уларнинг ихтисосликларини кенгайтиради ва чуқурлаштиради;
- тиббиёт олий ва ўрта билим даргоҳларида, врачлар малакасини ошириш олийгоҳларида ўқув жараёнининг илгор услуб ва технологияларини, ўқитувчилар малакасини ошириш, яхши жиҳозланган ўқув юртлари моддий базалари ҳисобига таълим савиясини оширишда ёрдам беради;
- фанининг ривожига кўмаклашиш, тажриба алмаштириш, онкологиядаги фан ва амалиёт ютуқларининг тарқалиши ва уларнинг амалий жиҳатдан қўлланишини тезлаштириш мақсадида конгресслар, илмий ва илмий-амалий конференциялар, симпозиумлар, семинар ва кўرғазмаларда иштирок қилади, уларни ташкил қилади ва ўтказиши;
- Ассоциация аъзоларини, илмий ва амалий хизматчиларини, тиббиёт ўқув юртлари аспирант ва талабаларини хорижий олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларига ўқишга, малака ошириш учун юборди. Ассоциация онкологияга оид мавзуларда иш юритаётган олимлар ва мутахассисларни қабул қилади;
- нашриёт ишларини амалга оширади, ихтисослик бўйича илмий журналлар, монография, илмий-оммабоп нашрлар режасини ишлаб чиқаришда ва амалга оширишда иштирок этади. Ассоциациянинг кутубхона фондини ташкил қилиб, доимий равишда тўлдириб боради;
- энг самарали гоё, илмий ва техник ечимлар, янги технологияларни излаб топшиш учун кўрғазма, кўрик ва танловлар ўтказиши;
- маърифат, маълумот ва маслаҳат ишларини олиб боради. Ассоциация фаолияти йўналишлари бўйича маълумотлар банкни ташкил қилади;

III. АССОЦИАЦИЯНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. Ўз мақсад ва вазифасини амалга ошириш учун амалдаги қонунчиликка ўра ўрнатилган тартибда Ассоциациянинг қуйидаги ҳуқуқлари бор:
- дастур фаолиятига алоқадор муаммолар бўйича ташаббускорлик билан чиқиш, ҳукумат ва маҳаллий бошқариш органларига тавсия киритиш;
 - Ассоциация мавзусига алоқадор ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари қарорларини ишлаб чиқишда амалдаги қонунчиликда кўрсатилганидек иштирок этиш;
 - Ўзбекистон Республикасида онкологияни ривожлантириш асосий йўналишларини аниқлашда қатнашиш;
 - бошқа илмий муассасалар ва фан бирлашмалари билан илмий алоқаларни амалга ошириш;
 - бирча қизиқувчи юридик ва жисмоний шахслар, жумладан чет элликлар билан ишчан алоқалар, фан, техника, технология, молия, иқтисод, таълим, ишбилармонлик, иқтисодий таъминот борасида ҳамкорлик қилиш;
 - мустқил равишда ўз фаолияти режа ва программаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, пул воситалари ва мулкларини сарфлаш ва сарф хажмини аниқлаш;
 - ўз пул воситаларини ва бошқа пул воситаларини жалб қилиш эвазига Ўзбекистонда онкологиянинг ривожига инвестиция қилиш;
 - ўз мақсад ва вазифаларига яқин бўлган регионал, Республика ва халқаро миқёсдаги алоҳида ва программаларни Ўзбекистон ва хорижий муассасалар фаолиятида қўллашга қатнашиш;




- ўз ҳуқуқларини намоиш этиш ва ҳимоя қилиш, ўз аъзолари ва бошқа фуқароларнинг эътиборига биноан ҳокимият ва бошқа маҳаллий органларда, жамоат ташкилотларида ҳимоя қилиш;
 - бошқа жамоат бирлашмаларини тузишда ташаббус билан қатнашиш;
 - шариёт ишларини амалга ошириш;
 - дастур фаолиятига алоқадор семинар, конференция, симпозиум ва учрашувлар ўтказиш ҳамда ўз вакилларини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ва хорижга ана шундай анжуманларга юбориш;
 - Ассоциация аъзоларини хорижга сафарбар қилиш ва хорижий делегацияларни ҳамда аусусий шахсларни қабул қилиш;
 - дастурдаги мақсад ва вазифаларни бажариш учун кўргазма, лоторея, танлов ва бошқа анжуманларни ўтказиш;
 - дастурий фаолиятга боғлиқ назарий ва амалий муаммолар юзасидан маълумотлар банкни ташкил қилиш;
 - Ассоциация мақсад ва вазифаларини амалга оширишдаги алоҳида хиссалари учун Ассоциация номидан нишонлар, мукофот пуллари, стипендия ва бошқа рағбатлантирувчи мукофотлар ташкил қилиш;
 - Ассоциация мавзуси бўйича Ассоциация қошида илмий ишлар, мақолалар, ўқув-услубий воситалар танловини ташкил қилиш ва ўтказиш;
 - Ўзбекистон ҳудудида филиал очиш;
 - Ассоциациянинг ташкилий структурасини, аппарат штатларини мустақил тузиш, аппарат штатлари ходимларига маош бериш ва рағбатлантириш каби муаммолар тури ва эъжамини ҳал қилиш;
 - турли субъектлар билан ҳуқуқий асосда хўжалик алоқаларига мустақил киришиш;
 - вақтинчалик ва доимий мутахасислар талиф этиш, шу жумладан хориждан ҳам, уларга шартнома ва контрактлар асосида маош тўлаш;
 - ўз фаолиятини ташвиқот қилиш, ўзи ҳақида кенг ва эркин ахборот тарқатиш;
 - ўз номидан Ўзбекистонлик ва хорижий жисмоний ва юридик шахслар билан ишлар бажариш, юридик актлар тузиш;
 - ҳайрия ишлари билан шугулланиш;
 - дастур ва қонунга зид бўлмаган бошқа ишлар билан ҳам шугулланиш.
- 3.2. Ассоциация бажариши шарт:**
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, умуминсоний принцип ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига дастур ва бошқа ташкилий ҳужжатларда кўрсатилганидек амал қилиш;
 - ўз мулкни сарфлаш ҳақидаги ҳисоботига эришиш, учун шароит яратиш;
 - Ассоциациянинг аниқ манзили, раҳбарияти жойи, улар ҳақида маълумот ва ахборот эъжамини юридик шахсларнинг ягона давлат реестри томонидан ўз фаолиятини ўзлаштириш учун руйхатга олувчи органга ҳар йили ҳисобот бериш;
 - қонунда кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар билан шугулланиш.

IV. АССОЦИАЦИЯГА АЪЗО БЎЛИШ ВА ЧИҚИШ. АССОЦИАЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Ассоциацияга Ўзбекистон ва хориж фуқаролари профессионал обрўга, 18 ёшга тулган ушбу Уставни тан олувчи, Ассоциация мақсад ва вазифаларини баҳам кўруви ва амалга оширишда қатнашувчи онкология соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги мутахасислар аъзо бўла оладилар.

4.2. Ассоциацияга жамоат бирлашмалари ҳам ушбу Уставга рози бўлган, ўз олдида онкология ривожига ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйган, Ассоциация фойдасига фаолият кўрсатувчи ва уни моддий қўллаовчи юридик шахслар аъзо бўла оладилар.



4.3. Ассоциациянинг икки аъзоси тавсияси ва шахсий аризаси бўлгандагина оддий раёдорларни Ассоциация Бошқарув Раёсати ёки Ассоциациянинг ҳудудий бўлимлари раёдорлари Умумий йиғилиши қарорига кўра Ассоциация аъзоллигига қабул қилинади. Қарор очқ овоз бериш йўли билан Бошқарув Раёсати ёки ҳудудий Умумий йиғилишдаги кўп овоз бериш орқали қабул қилинади.

4.4. Жамоат бирлашмалари — юридик шахсларни Ассоциация аъзоллигига Ассоциация Бошқарув Раёсати аъзоларининг кўпчилик овозларига кўра жамоат бирлашмаси раҳбар раёсати — юридик шахс қарорига кўра, унинг Дастури ва рўйхати ҳақида гувоҳномаси бўлгандагина қабул қилинади. Жамоат бирлашмаларига Ассоциация Бошқарув Раёсати қароридан кўчирма берилади.

4.5. Ассоциация фахрли аъзоликка эга. Фахрли аъзоликка Ассоциация мақсад ва вазифаларини амалга оширишда қўшган салмоқли хиссалари, профессионал фаолиятидаги ишнок ютуқлари учун машҳур онкологлар қабул қилиниши мумкин.

4.6. Фахрли аъзолар Ассоциация Бошқаруви тавсиясига кўра конгрессда иштирокчиларининг 2/3 қисмининг очқ овоз бериш билан сайланадилар. Фахрли аъзолар Ассоциация аъзолари ичидан сайланади. Ўрнатилган тартибда фахрли аъзога шараф берилади.

4.7. Ассоциациянинг Фахрли аъзолари ҳар йилги аъзолик ва қайд қилиш бадалларидан озод бўладилар. Фахрли аъзолари сони Ассоциациянинг умумий аъзолари сониининг 0,5% дан ортмаслиги керак.

4.8. Ассоциация аъзоларидан чиқиш ихтиёрий бўлиб, Ассоциация Бошқаруви ёки Ассоциациянинг ҳудудий бўлим Бошқарувига топширилган ариза асосида амалга оширилади. Тегишли Бошқарувининг қарори талаб қилинмайди.

4.9. Ассоциациянинг ижтимоий фаолиятида жамоа уюшмалари — юридик шахслар раёдорларининг ваколатли вакиллари орқали иштирок этадилар.


4.10. Ассоциациянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуққа эга ва баробар вазифаларни олиб беришади.

4.11. Ассоциация аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ассоциациянинг ҳар қандай органларига сайлаш ва сайланиш;
- Конгресс қатнашчилари бўлиш;
- Ассоциация раҳбарияти кўриб чиқиши учун Ассоциация фаолиятига алоқадор ҳар қандай таклиф ва саволлар киритиш;
- Конгресс дастурига маъруза киритишда бир хил шароитда устунликка эришиш;
- Ассоциация архивидан, кутубхонасидан фойдаланиш. Ассоциация нашриётида илмий ишларини чоп эттириш;
- Ассоциациянинг иш фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олиш;
- Онкология фанини ривожланишидаги алоҳида хизматлари учун Ассоциация совринлари, мукофотлари ёки бошқа хил рағбатлантиришларни олиш;
- Ассоциацияга услубий, ташкилий маслаҳатлар олиш мақсадида ва бошқа хил ёрдамлар олиш учун мурожаат қилиш;
- Ассоциацияга янги аъзоларни қабул қилиш учун уларни тавсия этиш;
- Ассоциация аъзолигидан эркин чиқиш;

4.12. Ассоциация аъзоларининг бурчлари ва вазифалари:

- ўзининг шахсий, профессионал ва ижтимоий фаолияти билан Ассоциация аъзоларининг обрўсини кўтаришга кўмаклашиш;
- ушбу Низом бандларини, Ассоциация раҳбарияти ва Назорат органларининг қарорларини бажариш;
- ҳар йилги аъзолик, кириш, рўйхатдан ўтиш бадалларини мунтазам тўлаш. Бадални тўлаш муддати, ҳажми ва тартиби Ассоциация Бошқарувининг қарори билан белгиланади;



фаолияти билан Ассоциация олдаги муаммоларни хал этилишига фаол ёрдамлашади;

4.13. Ушбу Устав талабларини бузганлиги, ўзининг номаъқул ҳаракатлари сабабли, бадалларини маъмур йилининг 31 декабригача тўламаганлиги учун, ундай шахслар Ассоциация аъзолитдан чиқарилиши мумкин. Ассоциация аъзолитдан чиқарилиш ҳақидаги қарорни Ассоциация Бошқаруви ёки регионал бўлимининг умумий йиғилишида иштирок қилувчиларнинг кўпчилик овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади.

Ассоциация аъзолитдан чиқарилиши ҳақидаги қарор юзасидан Ассоциация Конгресси номига шикоят йўллаш мумкин. Ассоциация Конгрессининг қарори ушбу масала юзасидан энг сўнгиси ҳисобланади.

V. АССОЦИАЦИЯНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ.

5.1 Ассоциация қуйидаги тартибда бошқарилади:

- Конгресс;
- Бошқарув;
- Бошқарув раёсати;
- Раис;
- Бош Котиб;
- Бош Котиб ўринбосари;
- Хазиначи;

5.2. Ассоциациянинг юқори раҳбарият ташкилоти бўлиб Ассоциация Конгресси ҳисобланади. Конгресс Бошқаруви қарори билан зарур бўлганда, лекин камида ҳар икки йилда бир марта чақирилади.

Конгресс онкологиянинг ташкилий, илмий ва амалий нуқтаи назаридан муҳим бўлган муаммоларни муҳокама қилиш учун чақирилади.

Навбатдан ташқари Ассоциация Конгресси Ассоциация аъзоларининг тўртдан бир қисмининг талаблари асосида ёки Ассоциация Бошқарувининг рўйхатдаги ходимларнинг қисми икки қисмининг очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинган қарори орқали чақирилади;

Конгрессга тайёргарлик ва уни ўтказиш учун Ассоциация Раиси раҳбарлиги остида маъмур Конгресснинг ташкилий кўмитаси тузилади;

5.3. Ассоциациянинг ҳар бир аъзоси Ассоциация Конгресси ишида иштирок этиш ҳақида ага.

Конгресс қатнашчиси рўйхатдан ўтиш бадалини тулайди, унинг хажми, тўлаш тартиби, тартиби Ассоциация Бош қарувининг қарори билан белгиланади;


5.4. Ассоциация Конгресси агар Ассоциациянинг кўпчилик аъзолари Конгрессда иштирок этаётган бўлса қарор қабул қилиш ваколатига эга. Конгресснинг чақирилиши, тартиби ва ўтказилиш жойи, вақти, кун тартиби Ассоциация Бошқарувининг қарори билан белгиланади ва кечикмасдан 2 ой илгари хабар қилинади.

Конгресс қарори Конгрессда иштирок этувчи Ассоциация аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади, овоз бериш тартибини, агар ушбу қарорда кўрсатилмаган бўлса, Конгресс белгилайди.

5.5. Ассоциация иш фаолиятидаги ҳар қандай муаммони Ассоциация Конгресси хал ҳисобланади.

Ассоциация Конгрессининг олий ваколатларига қуйидагилар киради:

- Ассоциациянинг дастурини тасдиқлаш, унинг иш фаолиятидаги асосий йўналишларини белгилаш;
- илмий маърузаларни тинглаш ва муҳокама қилиш, илгор фан ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, уларни ташкиллаштириш, аҳолга ёрдам беришни тақомиллаштириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш;



- Конгресс Раисини Ассоциация Раиси сифатида тасдиқлаш;
- Ассоциация Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш.
- Кейинчалик қабул қилинган тартибда (Конгрессда қатнашувчи Ассоциация аъзоларининг учдан икки қисмининг овоз бериши билан тасдиқланади) давлат рўйхатидан ўтказиш;
- Ассоциация Бошқарувини, Бош Котибни, унинг ўринбосарини, Ассоциация Хазиначисини икки йил муддатга сайлаш (яширин овоз бериш йўли билан);
- Бошқарма ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тинглаш ва уни тасдиқлаш;
- Ассоциациянинг фахрий аъзоларини сайлаш;
- Ассоциациянинг рамзий ифодасини, белгисини тасдиқлаш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш (белгиланган тартибда);
- Ассоциацияни тугатиш ва қайта ташкил қилиш масалаларини хал этиш (Конгрессда қатнашувчи Ассоциация аъзоларининг учдан икки қисмининг очиқ овоз бериш йўли билан тасдиқланади);
56. Конгресслар орасидаги давр мобайнида сайланган (2 йилга) Ассоциация Бошқаруви Ассоциациянинг раҳбарият фаолиятини амалга оширади. Бошқарувнинг сони, таркиби Ассоциация Конгрессида аниқланади.
57. Ассоциация Бошқаруви Конгрессда сайланган Раисдан, Бош Котибдан, унинг ўринбосаридан, Хазиначидан, Ассоциация бўлимларининг вакилларида, Ассоциация аъзоларидан таркиб топади.
58. Ассоциация Бошқаруви амалдаги доимий раҳбарлик қилувчи коллегиял шаклда ташкилотдир. Ассоциация номидаги юридик шахс сифатида ҳуқуқларини амалга оширувчи ва унинг вазифаларини белгиланган қонун асосида ижро этувчидир.
59. Ассоциация Бошқаруви мажлислари зарурат туғилганда ўтказилади, ammo камида 1 йилда икки марта. Мажлис йиғилиши ҳақида Бошқарув унинг бошланишидан икки ҳафтадан 1 ой илгари хабар беради. Бошқарув мажлисида Бошқарув аъзолари иштирок этишга ташкил этсагина у қонуний ваколатга эгадир. Мажлис қарори мажлисда иштирок этувчи Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади (агар ушбу Уставада бошқача кўрсатилган бўлмаса) овоз бериш шартини Бошқарув аниқлайди.
510. Ассоциация Бошқаруви:
- Ассоциация Конгрессини тайёрлайди ва чақиради;
 - Ассоциациянинг иш фаолиятидаги асосий йўналишларини ишлаб чиқаради ва Ассоциация дастурини тузади;
 - Ассоциациянинг ҳар йилги тематик ва иш режасини тасдиқлайди;
 - Ёш таркибидан 2 йил муддатга Ассоциация Бошқарувининг Раёсатини сайлайди;
 - Бошқарув аъзоларининг умумий сони чегарасида ва кейинчалик навбатдаги Конгрессда тасдиқлаш орқали (мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг учдан икки қисмининг овоз бериши тасдиқлайди). Ўз таркибидан аъзоларни чиқаради ва чиқишдан олдин аъзоларни ўрнига янги аъзоларни қабул қилади;
 - Соҳадаги соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганишни ташкиллаштиради, тўлдирди ва тарқатилади. Услубий материалларни ишлаб чиқаради, малака ошириш курсларининг иш фаолиятида ва уларни ташкилий масалаларида иштирок этади;
 - Ассоциация аъзолари онкологиянинг ривожланишидаги ва таъминлаштиришга таалуқли масалалар юзасидан илмий маъруза ва хабарларни тинглайди;
 - Ёш таркибидан 2 йил муддатга шифокорларга сертификация килишда, тиббиёт муассасаларини аккредитлашда, лицензия беришда иштирок қилади;
 - Ёш йилги аъзолик рўйхатидан ўтиш, кириш бадалларини тўлаиш ҳажмини, тартибини ва муддатини тасдиқлайди;
 - Ассоциация аъзолигидан чиқариш масалаларини хал қилади;

- Ассоциацияни бошқа жамоат уюшмаларида шу жумладан халқаро уюшмаларида танишиш масалаларини хал этади;
- Ассоциациянинг наشريёт фаолиятини ташкиллаштиради;
- Ассоциациянинг Уставидаги масалалар бўйича Конгресслар, семинарлар, симпозиумлар, конференциялар, кўргазмалар, конкурслар ва кўрикларни ўтказишни ташкиллаштиради;
- Ассоциация номидан мустақил ҳолда онкологиядаги ва соғлиқни сақлашнинг ривожланишидаги миссия ютуқлар, муваффақиятлар учун мукофотлар, совринлар ва стипендиялар таъсис этади;
- Ассоциациянинг аъзоларига фан ва техника бўйича унвонларни бериш юзасидан аеракли давлат ташкилотларига мурожаат қиладилар;
- Ассоциациянинг белгисини, нишонини ишлаб чиқади;
- Ассоциациянинг регионал бўлимларини, филиалларини, ваколатхоналарини тузади, уларнинг ваколатхоналарини очади;
- Ассоциация Бош Котибининг, регионал бўлим раисларининг ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;
- юридик ҳуқуқга эга бўлган хўжалик ширкатини ва жамиятини барпо этади;
- Ассоциациянинг иш фаолиятини тартибга солувчи Низом қондаларини, йўл-йўриқларини тасдиқлайди;
- Ассоциация нашриётининг Бош муҳарририни, муҳарририят коллегиясини номзодларини, наشريёт режаларини тасдиқлайди;
- Ассоциациянинг таркибини аппарат штатининг пул-маблағ ҳажмини тасдиқлайди;
- Ассоциациянинг мулкларини ва пул маблағларини бош тақсимловчисидир, йиллик ҳисоти тасдиқлайди;
- Ассоциациянинг моддий-техник базасини ривожланиш чораларини кўрсатади;
- бошқарма аъзоларига ва Ассоциация аъзоларига алоҳида топшириқлар беради, уларнинг бажарилишини назорат қилади;
- Ассоциация Конгресси олдида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бериб боради;
- Айрим ҳолларда Ассоциациянинг Конгресси ваколатига кирмайдиган, Ассоциациянинг фаолиятидаги бошқа хил масалаларни хал қилади;

5.11. Ассоциация Бошқарув Раёсати Ассоциация Бошқарувининг мажлислари орасидаги даврда раҳбарият органи бўлиб ҳисобланади;


Бошқарув Раёсати Ассоциация Бошқарувининг ўз таркибидан 2 йил муддатта тайинланади, Раёсат аъзоларининг сонини ва шахсий таркибини Ассоциация Бошқармаси тасдиқлайди;

Бошқарув Раёсати Раисдан, Бош Котибдан, унинг ўринбосаридан ва Ассоциация раҳбарларидан иборат;

5.12. Ассоциация Бошқарув Раёсати мажлислари зарурат туғилганда ўтказилади, аммо ҳар кварталда 1 марта. Қарорлар Ассоциация Раёсати аъзоларининг йиғилишларида кўпроқ аъзоларининг оддий кўпчилик очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади;

5.13. Ассоциация Бошқарувининг Раёсати:

- Ассоциациянинг иш фаолиятида оператив раҳбарликни амалга оширади;
- Ассоциация Бошқарувининг мажлисларини тшкил қилади ва ўтказади;
- Ассоциация Бошқаруви, Конгресс қарорларини амалга оширади ва бажарилишини назорат қилиб боради;
- юридик шахсларни — Бошқарувининг жамоа уюшмаларига аъзоликка қабул қилади;
- Ўз ваколати чегарасида Ассоциациянинг мол-мулкларини идора қилади, Ассоциациянинг мулкларини ишлатишни ташкиллаштиради, пул маблағларини мақсадга мувофиқ равишда сарфлаш ҳажмини белгилайди;
- Ассоциациянинг бошқа органлари ваколатига тааллуқли бўлмаган бошқа ишларни амалга оширади;



5.14. Ассоциация Конгрессиди Ассоциация Раиси сифатида тасдиқланган Ассоциация Раиси Ассоциация Раиси ҳисобланади. Раиснинг ваколатлик муддати 2 йил.

5.15. Ассоциация Раиси:

- Ассоциация иш фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Ассоциация Бошқаруви ва Бошқарув Раёсати ишларига раҳбарлик қилади, шажаларни олиб боради, Ассоциация Бошқаруви ва Бошқарув Раёсати аъзолари ширкатидаги вазифаларни бўлиб беради;
- Давлат, ҳокимият ва маҳаллий идора ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда, Ёшларнинг ва чет эллик юридик ва жисмоний шахслар билан ишонч қозғонисиз Ассоциациянинг ваколатли вакили сифатида хизмат қилади;
- Ассоциация номидан битим, шартнома, контрактлар тузади, музокаралар олиб боради, ишонч қозғонисиз беради;
- Банк идораларида Ассоциациянинг ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисобларини очади, Ассоциациянинг мулкларини ва пул-маблағларини бошқаради, молиявий ҳужжатларга биринчи бўлиб имзо чекиш ҳуқуқига эга;
- Ассоциация номидан юридик шахсларга ва фуқароларга даъво ва ҳақ талаб қилади;
- Ассоциациянинг фармойишли ҳужжатларига имзо чекади, Ассоциациянинг штатидаги ширкатларига пул оқладларини ҳажмини белгилайди;
- Конгресс олдиди ва ҳар йили Ассоциация Бошқаруви олдиди қилинган ишлар юзасидан ҳисобот бериб боради. Ассоциациянинг бошқа органлари ваколатига кирмайдиган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади;
- ваколатлик муддати тугагандан сўнг Ассоциация Бошқарувида расмий консултант бўлиб қолади. Ассоциациянинг Бошқарув Раёсати ва Бошқарув мажлисларида маслаҳат асоси бериш ҳуқуқи билан қатнашади;

5.16. Ассоциациянинг Бош Котиби Ассоциация Конгрессиди 2 йил муддатга сайланади ва қайта янги муддатта сайланиши мумкин, аммо кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланмайди.

Ассоциациянинг Бош Котиби Ассоциация Бошқарувининг ва Бошқарув Раёсатининг аъзоси ҳисобланади ва ҳал қилувчи овозга эга.

5.17. Ассоциациянинг Бош Котиби:

- Ассоциациянинг маъмурий, тадбиркорлик ва молиявий иш фаолиятидаги масалаларни ечишишни таъминлайди;
- Ассоциациянинг илмий-ташқилий фаолиятига раҳбарлик қилади;
- Ассоциациянинг Раиси йўқлиги даврида Ассоциация Раиси вазифасини бажаради;
- Ассоциациянинг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларида. Шу жумладан чет эллар билан ҳам ишонч қозғонисиз вакили бўлади;
- Конгресс ва Ассоциациянинг бошқа раҳбарият органлари қарорларини бажарилишини ташкиллаштиради;
- Ассоциация Бошқаруви ва Бошқарув Раёсати номидан фармойиш ҳужжатларини имзолайди;
- Ассоциациянинг штатли аппаратида умумий раҳбарлик қилади;
- Ассоциациянинг штатли ишчиларини ишга қабул қилинишини ва бўшатишни амалга оширади, Ассоциациянинг ички меҳнат тартибини штатли ишчиларнинг хизмат лавозимлари билан боғлиқ бўлган қўлланмаларини тасдиқлайди;
- ҳар йили Ассоциация Бошқаруви Раёсати олдиди қилинган ишлар юзасидан ахборот беради;
- Ассоциациянинг раҳбарият органлари алоҳида топшириқларини бажаради;
- Ассоциациянинг ваколатига кирмаган бошқа хил вазифаларни ҳам бажаради;



5.19. Ассоциациянинг Бош Котиби ўринбосари Конгрессда 2 йил муддатга сайланади ва қайта яна янги муддатга сайланиши мумкин, аммо кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланмайди.

5.20. Ассоциация Бош Котибининг Ўринбосари:

– Конгресс қарорларини лойиҳасини, кун тартибини ва Ассоциация Бошқаруви ва Бошқарув Раёсати қарорларини тайёрлайди, мажлислар протоколни олиб боради. Ассоциация аъзолари рўйхатини тузади. Бошқарма ишлари ҳақида маълумот жўнатади;

– Ассоциация Бошқарувининг, Бошқарув Раёсатининг, Раиснинг, Бош Котибининг алоҳида топшириқларини бажаради;

– Бош Котиб йўқлиги даврида унинг топшириғи билан унинг вазифасини бажаради;

5.21. Ассоциация Хазиначиси Ассоциация Конгрессда 2 йил муддатга сайланади ва қайта яна янги муддатга сайланиши мумкин, аммо кетма-кет 3 мартадан ортиқ сайланмайди.

Ассоциация Хазиначиси:

– ҳисоб, рўйхатдан ўтиш, аъзолик бадалларини йиғиш, сақланишини амалга оширади;

– Ассоциация Бошқаруви, Бошқарув Раёсатининг, Раиснинг алоҳида топшириқларини бажаради;

– ҳар йили Ассоциация Бошқаруви олдида ўзининг ишлари юзасидан ҳисобот беради. Ассоциация Бошқарувининг қарори билан Хазиначи вазифасини Ассоциациянинг Бош Котиби ўринбосари ҳам бажариши мумкин;

VI. АССОЦИАЦИЯНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

6.1. Тафтиш Комиссияси Ассоциациянинг текширувчи органи ҳисобланади. Ассоциациянинг Конгрессда 2 йил муддатга сайланади.

6.2. Ассоциациянинг Бошқарув аъзолари ва штатидаги ходимлар тафтиш Комиссияси аъзоллигига сайлана олмайди.

Тафтиш Комиссияси аъзолари Ассоциация раҳбариятидан ва аъзоларидан уларни тафтиш мумкин бўлган ҳужжатларни, Ассоциациянинг Уставига, молиявий ва тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

6.3. Ассоциациянинг Тафтиш Комиссияси:

– ўз таркибида Раис сайлайди;

– ҳар йили Ассоциациянинг тадбиркорлик ва молиявий иш фаолияти юзасидан тафтиш ўтказади;

– Ассоциациянинг ушбу Уставига ва амалдаги қонун фаолияти юзасидан тафтиш ўтказади;

– тафтиш натижаларини Тафтиш Комиссияси ҳисобот сифатида Бошқармага бир йилда бир марта ва Конгрессга икки йилда бир марта тасдиқлаш учун тақдим қилади.

6.4. Тафтиш комиссиясининг Раиси Ассоциация Бошқаруви ва Бошқарув Раёсати мажлисларида маслаҳатчи овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади.


6.5. Ассоциация Бошқарувининг қарори билан Ассоциациянинг молиявий ва тадбиркорлик фаолиятини текширишга бошланишида келишилган ҳолда мустақил аудитор таъинлаш ҳақида жалб этилиши мумкин.

VII. АССОЦИАЦИЯНИНГ ТАРКИБИЙ БЎЛИМЛАРИ.

7.1. Ассоциациянинг тузилиши унинг вилоят ва туман бўлимларидан ташкил топади.

7.2. Ассоциация бўлималари ушбу Устав асосида иш юритишади.

7.3. Ушбу Устав асосида фаолият юритадиган бўлим аъзоларининг йилида камида бир марта ўтказиладиган Ассоциация мажлиси унинг олий бошқарув органи ҳисобланади. Бўлимнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси, бўлим Раиси қарори ёки бўлим аъзоларининг камида 1/3 қисмининг талабига биноан қақририлиши мумкин.



Бўлим Умумий мажлисининг чақирилиши ўтказиладиган жойи ва кун тартиби ҳисобида камида бир ой олдин эълон қилинади. Умумий мажлис бўлим аъзоларининг кўпчилиги қатнашган тақдирда қонуний ҳуқуққа эгадир. Қарорлар Умумий мажлисда қатнашаётган бўлим аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби Умумий мажлиси томонидан белгиланади.

7.4. Ассоциация бўлимининг Умумий мажлиси бўлим фаолиятига доир барча масалаларини ҳал этади.

Бўлим фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш, унинг фаолият дастурини тасдиқлаш, Бошқарув Раисини, Раис Ўринбосари, бўлим Тафтишчисини сайлаш, бўлим Раисини йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, бўлимни тузиш, қайта тузиш масалаларини ҳал қилиш ҳамда аъзоларини Ассоциацияга қабул қилиш ва чиқариш масалаларини фақат Умумий Мажлисининг алоҳида ваколати ҳисобланади.

7.5. Бўлимнинг Бошқаруви икки йил муддатта сайланиб, бўлим Умумий Мажлислари орасидаги даврида унинг доимий Бошқарув органи бўлиб ҳисобланади.

Бошқарув йиғилишлари зарурат тутилганда, лекин кварталда камида 1 марта ўтказилиб Бошқарув аъзоларининг кўпчилиги қатнашган тақдирда қонуний ҳуқуққа эгадир. Қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан йиғилишда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг кўпчилиги овоз берса қабул қилинади.

Бошқарув Ассоциация бўлими Умумий мажлисининг ваколатига кирувчи масалалардан Бошқари бўлим фаолиятига доир барча масалаларни ҳал этади.

7.6. Бўлим фаолиятини Умумий мажлиси томонидан икки йил муддатта сайланиладиган Раис бошқаради. Бўлим Раиси янги муддатта бир неча бор сайланиши мумкин.

7.7. Бўлим Раисининг Ўринбосари Умумий мажлис томонидан икки йил муддатта сайланади. Бўлим Раисининг Ўринбосари Бўлим Раиси бўлмаган пайтларда унинг вазифаларини бажаради, бўлим Раисининг алоҳида топшириқларини бажаради.

7.8. Ассоциация бўлимининг Илмий Котиби Умумий мажлис томонидан икки йил муддатта сайланиб, янги муддатта бир неча бор сайланиши мумкин. Бўлимнинг Илмий Котиби бўлимнинг илмий-ташқилий фаолиятини бошқаради, бўлим Бошқаруви ва Раисининг алоҳида топшириқларини бажаради, ҳар йили бажарилган ишлар бўйича бўлимнинг Умумий мажлиси ва Ассоциациянинг Бош Котиби олдида ҳисобот беради.

7.9. Бўлим Тафтишчиси бўлимнинг Умумий мажлиси томонидан икки йил муддатта сайланиб, бўлимнинг назорат қилувчи органи ҳисобланади.

Тафтишчи ҳар йили бўлимнинг молиявий фаолиятини тафтиш қилади ва ҳисоботни тасдиқлаш учун бўлимнинг Умумий мажлисига тақдим этади.

Бўлимнинг Умумий мажлиси томонидан тасдиқланган молиявий ҳисобот Ассоциациянинг Тафтиш Комиссияси Раисига юборилади.

Бўлимлар фаолияти учун Ассоциация жавобгардир.

VIII. АССОЦИАЦИЯ МОЛ-МУАКИ.

8.1. Ассоциациянинг маблағлари ва мол мулки қуйидагиларидан ташкил топади:

- Ассоциация аъзоларини қабул қилиш аъзолик ва қайд этиш бадалларидан;
- Ҳуқуқий ва жисмоний (жумладан чет эллик) шахсларнинг ихтиёрий тўловлари, совгалари, хайр-эхсонларидан;
- Ассоциация томонидан ўтказиладиган тадбирлардан келган тушумлардан;
- Ассоциациянинг тадбиркорлик, иқтисодий, маърифий, ношираник, ҳамда ўзга қонуний фаолиятининг фойдаларидан;
- Ассоциация томонидан тузилган хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари фойдаларидан, чегирмалардан;
- фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг фойдасидан;



қонунда тасдиқланмаган ўзга тушумлардан;

8.2. Ассоциация мол-мулки сифатида амалдаги қонунчиликка асосан ушбу Уставда кўзда тутилган фаолиятини таъминлаш учун ер-участкаларига, биноларга, иншоотларга, ишлаш фондларига, инвентарларга, маданий-оқартув мақсадларга мўлжалланган мулкка, пул маблағларга ва бошқа қимматбаҳо қоғозларга ҳамда бошқа ҳаракатдаги ва кўчмас мулкка эгалик қилиши мумкин.

Шунингдек Ассоциациянинг маблағлари ҳисобига унинг Уставада кўрсатилган мақсадлар учун тузилган ва сотиб олинган муассасалар, наشريётлар, оммавий ахборот воситалари ҳам Ассоциациянинг мол-мулки бўлиши мумкин.

8.3. Ассоциация унга қонуний асосда тегишли булган мол-мулкнинг эгасидир. Ассоциациянинг яқка бир аъзоси Ассоциацияга тегишли молқ-мулкни бир қисмига таъдиркорлик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8.4. Ўз Устави асосида фаолият юритувчи Ассоциациянинг бўлимлари қонуний асосда уларга тегишли булган мол-мулкни эгасидир.

8.5. Ушбу Уставга асосан фаолият юритувчи Ассоциациянинг бўлимлари, Ассоциация томонидан уларга бириктирилган мол-мулкни амалий бошқариш ҳуқуқига эга.

8.6. Ассоциация фақат Устав мақсадларини амалга ошириш ва шу мақсадларга асосан таъдиркорлик фаолиятини юритиши мумкин. Ассоциация таъдиркорлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси ва бошқа қонунчилик актларига мувофиқ юритади.

Ассоциация таъдиркорлик фаолиятини юритишга мўлжалланган хўжалик жамияти ва бирлашмаларини тузиш, ҳамда мол-мулк сотиб олиши мумкин.

Фаолиятнинг қонунда белгиланган айрим турлари, Ассоциация томонидан фақат махсус рўхсатномалар асосида юритилиши мумкин.

8.7. Ассоциациянинг таъдиркорлик фаолиятдан тушган фойдалар фақат Уставда кўзда тутилган мақсадлар учун сарфланиб, Ассоциациянинг аъзолари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин.

Ассоциация ўз маблағларини ҳайрия мақсадларига ишлатиши мумкин.

8.8. Ассоциация белгиланган тартибда баланс тузади, бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритади.

IX. АССОЦИАЦИЯ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

9.1. Ассоциация Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ассоциация Конгрессидан иштирок этаётган аъзоларнинг учдан икки қисми томонидан қабул қилинса тасдиқланган ҳисобланади, кейинчалик қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

9.2. Қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган Низом қонунда белгиланган тартибда Адалия вазирлигидан қайта давлат рўйхатидан ўтади.


X. АССОЦИАЦИЯНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ВА ТУГАТИШ

10.1. Ассоциацияни қайта тузиш (бирлаштириш, ажратиш, қўшиб олиш, бўлиш, қайта ташкил этиш) ёки тугатиш фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ассоциациянинг фаолияти шунингдек амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа асосларга кўра ҳам тугатилиши мумкин.

10.2. Ассоциацияни қайта тузиш ва тугатиш, Ассоциация Конгрессининг қарори билан Конгрессдан иштирок этаётган Ассоциация аъзоларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда амалга оширилади.

10.3. Суд қарори билан тугатилган Ассоциациянинг мол-мулки қайтариб бермаслик шарти билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.



10.4. Ассоциация тугатилган тақдирда жамоат бирлашмаларини рўйхатга олувчи орган билан келишилган холда тугатиш комиссияси тайинланади. Ассоциация ишларини бошқариш бўйича барча ҳуқуқ ва ваколатлар тайинланган пайтдан бошлаб тугатиш комиссиясига ўтади.

Тугатиш комиссияси Ассоциация жойлашган худудидаги расмий матбуотда Ассоциациянинг тугатилиш тўғрисида эълон қилади.

Тугатиш комиссияси белгиланган тартибда Ассоциациянинг мол-мулкни баҳолайди. унинг дебитор ва кредиторларини аниқлаб улар билан ҳисоб-китоб қилади. Ассоциациянинг учинчи шахслардан булган қараларини тўлаш учун чора-тадбирлар кўради, оралиқ тугатиш ва тугатиш балансини тузиб, Ассоциация конференциясига тасдиқ учун тақдим этади.

10.5. Ассоциация тугатилгандан сўнг қолган мол-мулк ва маблағлар кредиторлар талаблари қондирилгандан сўнг, ушбу Низомда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

Қолган мол-мулкни сарф этиш тўғрисидаги қарор, тугатиш комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

10.6. Ассоциацияни тугатиш тўғрисидаги конференциянинг қарори уни ҳуқуқий шахслар ягона давлат регистрдан чиқариш учун Жамоат бирлашмаларини рўйхатга олувчи органга юборилади.

10.7. Ҳуқуқий шахсларнинг ягона Давлат регистрга бу тўғрисида қайд этилгандан сўнг Ассоциацияни тугатиш якунланган, Ассоциация эса йўқ булган деб ҳисобланади.

10.8. Ассоциация янги пайдо булган ташкилот Давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб қайта тузилган деб ҳисобланади.

10.9. Қайта тузилгандан сўнг Ассоциациянинг мол-мулки янги пайдо булган ҳуқуқий шахсларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига белгиланган тартибда ўтади.


10.10. Ассоциация штатидаги ходимларининг ҳужжатларини ҳисобини ва сақланишини таъминлайди ва Ассоциациянинг фаолияти тўхтатилган тақдирда бу ҳужжатларни ўз вақтида сақлаш учун Давлат архивига белгиланган тартибда топширади.

Ассоциация Раиси,
профессор



С.Н.Наврузов

Наврузов
Саримбека



ВЫПИСКА

Из протокола №3
Республиканского Семинар-Совещания онкологов
г. Ташкент, 1 марта 2003 года.

В Семинар-Совещании приняли участие главные врачи и заведующие организационно-методическими отделами областных и городских онкологических диспансеров Республики, руководители отделов Республиканского Онкологического научного Центра и его Каракалпакского филиала.

ПОВЕСТКА ДНЯ:


1. Обсуждение письма за N15-060 от 20 января 2003 года поступившего в Правление Ассоциации Онкологов из Министерства Юстиции Республики Узбекистан.
2. Утверждение исправленного и доработанного варианта Устава Ассоциации Онкологов.

РЕШЕНИЕ


1. Внести изменения в Устав Ассоциации Онкологов с учетом всех замечаний Министерства Юстиции.
2. Утвердить исправленный вариант Устава Ассоциации Онкологов.

Председатель,
д.м.н., профессор

Секретарь, к.м.н.


С.Н.Наврузов

Х.Г.Абдикаримов


Абдикаримов
Хуршидамова

2003 11 март
мен. И.С. Рахимова Кучида
нотаиуси Хайитова Кадров сарони
Водикеримов Иуртидиси
Хужжатга имзо қўйган қандайдир шайхон
1950
453 с 10
Давлат нотариуси



Handwritten signature



« 14 »
В РАЙОН САМОО ТИКИЛГАН

Handwritten signature